

Ҳақсевар, она юрт, мангу бўл обод!



ТОШКЕНТ ҲАҚИҚАТИ

2012 йил
21 март
ЧОРШАНБА
№ 23
(12.451)

1928 йил 11 декабрда асос солинган

Вилоят ижтимоий-сиёсий газетаси

www.th.uz

ДИЛЛАРДА БАҲОРИЙ КАЙФИЯТ

Ўзбекистон шаҳарлари, қишлоқ ва овулларда, дала-қирлар, боғ-роғлар узра баҳор нафаси уфура бошлади. Адирларнинг кунгай бетларини майса қоплаб, чучмоалар кунгилларни ҳаприқтириб, қоқигуллар бўй кўрсатиб қолди. Ўлкамизга орақиқиб кутганимиз Наврўзи олам кўнгилларни илиқ-иссиққа тўлдириб кириб келди.

Паркент ва Чиноз, Янгибозор ва Дўстобод томонларда, Ангрену Олмалик, Чирчику Янгийўл, барча туман марказлари ва шаҳарларнинг гузар ёки майдонларида байрам тантаналари бошланмоқда.

Баланд тепалик устида савлат тўкиб турган мухташам "Кимёгарлар" саройи айвонидан таралган қўшақўша карнай-сурнайлар садоси кеча эрта тонгда ноқ бутун Чирчиқ шаҳри узра акс-садо бериб янгради. Махалла, мавзе, дараҳларидан байрамга отланган кимёгарлар, машина-соз ва энергетиклар, ўқитувчи ва шифокорлар бу ерга тўпланишди. Сарой майдони ва ён кўчаларда Наврўзи олам тантаналари – умумхалқ шодиёнаси бошланди. Санъат усталари, халқ бадий ҳаваскорлик дасталарининг концертлари, бошқа оммавий томошалар кун бўйи давом этди.

Байрам сайиллари Олмалик шаҳри, Бўка, Қибрай, Зағиота туманларида ҳам жуда катта кўнгилхушлик билан ўтаётди. Вилоят ҳокимлиги Нав-

рўз байрамини кенг нишонлаш учун зарур чора-тадбирлар дастурини ишлаб чиқди. Унга кўра, шаҳар ва туманлардаги тантаналарда эл севган санъаткорлар, танлиқли ёзувчи ва шоирлар, маданият арбоблари иштирок этишаётди. Майдонларда куй-қўшиқлар янгради, дорбозлар ўз маҳоратларини намойиш қилишди. Спорт мусобақалари ўтказилади. Халқ амалий санъати намуналари, хунармандчилик буюмлари, саннат маҳсулотлари кўргазмалари ташкил этилади. Дошқозонларда ҳалим пиширилиб, дастурхонларга сумалак, кўк сомса ва бошқа қандолатлар тортлади. Наврўзи олам кунларидоги умумхалқ сайилларида катта кичик мириқиб дам олади.

Ўлкамизга очилиб-сочилиб Баҳор кириб келди. Ерлардан ҳовур кўтарилиб, тупроқ кўнчиб, деҳзон уруғ сочиш ҳаракатига тушмоқда, бугдой парваринини кўчайтираётди. Ҳаммаёқда баҳорий кайфият, кўтаринчилик.

Ассалом, Наврўзи!
Усмон КАТТАЕВ.

«ЖОКЕЙ» КЛУБДА МУСОБАҚАЛАР

Зағиота туманидаги «Jockey» спорт клубида тўсиқлар оша сакраш бўйича мусобақа бўлиб ўтди.

Унда 10 ёшдан 12 ёшгача ҳамда 12 ёшдан 14 ёшгача бўлган чавандозлар иштирок этди.

Ҳали ва иштирокчиларга от спорти федерациясининг фахрий ёрлиги ва эсдалик совғалари топширилди.
Равшан НЕЪМАТОВ.

УМУМХАЛҚ ҲАШАРИ



Халқимизнинг ажойиб удуми бор: қишлоқ-қоровли кунлар ўтиб, ҳаво илмиши билан орақиқ-зорлар, майдон ва кўчаларни тозалаб, орас-талашни, гул ва дароҳт кўчатлари ўтқазини бошлайди. Бу баҳорий саъй-ҳаракатлар Наврўз байрами арафасида умумхалқ ҳашарига уланиб кетди.

1283 та машина ва трактор тиркамалари, ер суриш ва кавлаш механизмлари ажратилди.

Шундай уюшқоқлик билан ўтган умумхалқ ҳашари давомида 9 минг гектар саҳни эгаллаган хиёбон ва майдонлар чиқин-

га шакл берилиб, оқланди.

Умумхалқ ҳашари жараёнида маҳаллаларда кам таъминланган оилаларнинг уй-жойларини кўпчилик бўлиб таъмирлаб бериш ҳам яхши одатга айланди. Жумладан, шу ҳашар кун-

дилардан тозаланиб, ободонлаштирилди. 4300 километрга яқин ариқ-зорлар тартибга келтирилди. 6 минг 600 тоннадан зиёд маиший чиқиндилар маҳсулоти ажратилган майдонларга чиқариб ташланди. Ҳашарчилар кучи билан йўл ва ариқ бўйлари, майдонларга бир миллион тупдан зиёд манзарали, 925 минг туп мевали, бир миллион 715 минг туп гул кўчатлари экилди, 2 миллион тупга яқин дароҳтлар-

лари 69,2 минг квадрат метр саҳни шундай уйлар созланди.

Таъкидлаш жоизки, Наврўз кунлари кам таъминланган оилаларга кўплаб ҳомийлик ва меҳр-шафқат ёрдамлари кўрсатилаётди. Фақат ҳашар жараёнида 3 минг 300 дан зиёд хонадонга 54 миллион 400 минг сўмга яқин моддий ёрдам кўрсатилди.

Ўқтам СОЛИЕВ.



ЧИНАКАМ БАЙРАМ ТУҲФАСИ

Наврўз умумхалқ байрами арафасида вилоят шаҳар ва туманларида янги иншоотлар қурилиши битказилиб, фойдаланишга топширилмоқда.

Вилоят адлия бошқармаси буюртмасига асосан Янгийўл тумани 2-иншоотининг бир-биридан бежирим хоналарини томоша қилиб, мустақиллигимиз бераётган кенг имкониятлардан шукрона-арафасида янги бино қуриб берди.

– Иншоотимизнинг бир-биридан бежирим хоналарини томоша қилиб, мустақиллигимиз бераётган кенг имкониятлардан шукроналик ҳиссини туймоқдан, – деди

ФХДЁ мудири Дилором Байиджонова.

Маъмурият хонаси, тантаналар зали, келин-куёвлар хонаси, архив, ҳуқуқшунос хоналари кенг, ёруғ, шинам, асосийси, қулай жиҳозланган.

Азамат АХМЕДОВ.
Муаллиф олган сурат.

22 МАРТ - МИРЗО УЛУГБЕК ТАВАЛЛУД ТОПГАН КҮН

АЛЛОМАНИНГ НУРЛИ ИЗЛАРИ

Буюк Амир Темурунинг тўртинчи ўғли Шоҳруҳ Мирзо оиласининг бешинчи фарзанди бўлиб таваллуд топган, жаҳонга машҳур математик, астроном, шунингдек тарих, шеърят, мусика бобида ҳам қалам тибратган серқирра иждоқор Мирзо Улуғбек 40 йиллик ҳукмронлик даврида салмоқли ишларни қилишга улгурди.

Бобоси Амир Темури каби вилоятларни қўлга киритишни ўйламади, лекин зарур бўлган вақтларда жанг майдонларига отланди ва қўшни давлатларга нисбатан мурасосазлик сиёсатига амал қилди. Улуғбек ҳақида ёзилган асарларда замонадошлари унинг истеъдодига юқори баҳо берганлар. Жумладан, тарихчи Ибн Арабшоҳ ёш Улуғбекнинг буюклигини, уни "Темурунинг зийрак набираси" эканлигини алоҳида таъкидлайди. Шунингдек, Алишер Навоий ўз дostonларидан бирида "Темурухон наслидан Мирзо Улуғбек, Ки олам кўрмади султон анингдек" деб ёзган бўлса, Мирзо Бобур "Улуғбек ҳамма илм ва ақлнинг денгизидир" деб таърифлади.

Ҳақиқатда ҳам, миллатимизнинг фахри саналган буюк аллома нафақат Мовароуннаҳр ва Хуросонда, балки Европа ва умуман Фарб мамлакатларида шухрат қозонган. У муноқиша охиригача бобоси улуг Амир Темури асос солган давлатни сақлаб қолиб, чегараларини мустақамлаш, юрт тинчлиги, халқ салооматлиги ва фаровонлиги йўлида хизмат қилди. Унинг даврида ички ва ташқи савдо-сотик ривож топди. Бобоси охиригача етказма олмаган иншоотлар қурилиши давом эттирди, кўнгилочар боғ-роғлар яратди, шифохона, кутубхона, ҳаммом, карвонсарой, масжид ва мадрасалар қурдирди.

Улуғбек мадрасаларидан яна бири 1417-1422 йилларда Самарқандда қурилган. Бу ўша даврнинг энг салобатли икки қаватли мадрасаси бўлиб, кичик ва содда турида эди. Мазкур мадрасаларда юзлаб талабалар диний ва дунёвий илмлардан сабоқ олиб, кўплари Улуғбек академияси номи билан дунёга танилган илм даргоҳининг фаол ходимлари сифатида устозлари раҳнамолигида қатор-қатор илмий асарлар яратдилар, ноёб асарларни қўлайтирдилар, араб ва форс тилларида битилган рисоаларни туркий тилга ўғирдилар.

(Давоми 2-бетда).

Ўзбекистон Республикаси Президентининг
ҚАРОИ

ДАМ ОЛИШ КУНЛАРИНИ КЎЧИРИШ ТЎҒРИСИДА

Аҳолининг дам олиши учун қулай шарт-шароитлар яратиш ва иш вақтидан оқилона фойдаланиш мақсадида:

2012 йил 21 март чоршанба дам олиш куни 22 март пайшанба кунига, 25 март якшанба дам олиш куни 23 март жума кунига кўчирилсин;

2012 йил 21 март чоршанба ва 25 март якшанба кунлари иш кунлари деб эълон қилинсин.

Ўзбекистон Республикаси
Президенти **И. КАРИМОВ.**

Тошкент шаҳри, 2012 йил 19 март.



БЎСТОНЛИҚ ТУМАНИ

УЧ МАҲАЛЛА ЁШЛАРИ БЕЛЛАШДИ

19-умумтаълим мактабида спортнинг волейбол тури бўйича мусобақа уюштирилди.

Ўғил болалар ўртасида ўтказилган беллашувида "Янгиқўрғон", "Оқмачит", "Боб" маҳаллаларидан 180 дан зиёд йилгит иштирок этди.

"Оқмачит" ёшлари рақибларидан устун келиб, голибликни қўлга киритди. Уларга "Камолот" ёшлар ижтимоий ҳаракати туман бўлимининг эсдалик совғалари топширилди.

ОҚҚҮРҒОН ТУМАНИ

ДИЛНИ ЯШНАТГАН ПАЛЛА

Ижтимоий иқтисодий касб-ҳунар коллежида Наврўз байрами кенг нишонланди.

"Маҳалла" хайрия жамоат фонди ва "Камолот" ёшлар ижтимоий ҳаракатининг туман бўлими ташаббуси билан ўтган шодиёнада 500 киши қатнашди. Эл хизматидаги санъаткорларнинг байрам дастури барчани бирдек ҳушнуд этди. Тадбир сўнгида кам таъминланган оилаларга ҳомийларнинг байрам совғалари улашилди. Ирода МАКСУД қизи.

ЯНГИЙЎЛ ТУМАНИ

ЭНГ НАМУНАЛИ ОИЛА

Наврўз байрами арафасида Муқимий номи маҳаллада "Энг намунали ва ибратли оила" кўрик-танлови бўлиб ўтди.

Фуқаролар йилгини фаолияти ва маҳалла ҳаётидаги ўрни ҳамда ибратли турмуш тарзи ҳисобга олиниб, Отабоевлар оиласи биринчи ўринга муносиб деб топилди. Иккинчи ўринни Абдуллаевлар, учинчи ўринни эса Тоштемировлар оиласи эгаллади. Кўрик-танлов қатнашчиларига ташкилий кўмитанинг фахрий ёрлиқ ҳамда раҳматномалари топширилди.

Аброр УБАЙДУЛЛАЕВ.

БУГУННИНГ ГАПИ

МАҚСАД – АҲОЛИ ХАВФСИЗЛИГИ

Бу йил киши серёғин келди. Тоғлардаги ёгин микдори аввалги йилларга нисбатан бирмунча кўпийиб бу йил сув мўл бўлиши билан дилларни қувонтирса, сел, сув тошқини хавфи ўтган йилларга нисбатан юқорилиги хушёрликка ундайди.

Мана, баҳор бошланса ҳам киши ўрнини бушатиб бергиси келмаяпти. Вилоятимизнинг баъзи тоғли ҳудудларида хали-ҳануз қор уқунулаб турибди. Табиат инжиқликлари билан бизни синмаюқда.

Ўз навбатида она табият қудан-қун қирой очиб бораётган хозирги пайтда тоғлардаги сойларда ҳам сув микдори сезиларли даражада кўпийган, ёмғир ҳам қунда-қунора ёғиб турибди. Ёгингарчиликнинг мейши ёридан ортиқ бўлиши вилоят ҳудудида фавқулодда вазиятларни келтириб чиқариши мумкин. Шу боис Ўртабшумининг 2012 йил 7 февралдаги Қароридан барча вазирлик ва идоралар зиммасига аниқ вазифалар юкланган.

Биз ҳам ушбу вазифалар ижросини ташвиш мақсадида 13-15 март кунлари Вилоятнинг тоғли Бўстонлиқ, Паркент ва Юқори Чирчиқ туманларидаги вазиятларни "Тошгадиромет" ҳамкорликда ўрганиб чиқиб ва шу асосда кечтирмай бажарилиши лозим бўлган тадбирлар юзасидан тегишли ҳокимликларга қўрсатмалар берилди. Ҳамкорликда ўрганмалар апрель ойида ҳам давом этиши режалаштирилган. Мақсад – аҳолини табиий ва техноген хавфсизлигида вазиятлардан муҳофаза қилиш ҳамда хавфсизлиги ва тинчлигини таъминлашдир.

Бахтиёр ЖАББОРОВ,
вилоят ФВБ ходими.

БАРЧА БИРДЕК ШОДЛАНДИ

Зангиота тумани "Муҳаббат" тўйхонасида Наврўз умумхалқ байрами ташкил этилиб, унга меҳнат фахрийлари, туман тadbиркорлари, ўқитувчилар, тиббиёт ходимлари ташриф буюришди.

Дастурхонга ош тортилиб, маданият уйи ходимлари, мактабгача таълим муассасаси тарбияланувчилари, хонандалар иштирокида байрам дастури намойиш этилади. Шунингдек, ўқувчилар ўртасида Наврўз таомлари кўргазмаси уюштирилди.

Даврон АХМАД олган сурат.



САХОВАТ ВА МЕХР-ОҚИБАТ НИШОНАСИ

Наврўзи оламнинг саховат ва меҳр-шафқат кўрсатиш, мухтожларни қўллаб-қувватлашга интилиш руҳи энг чекка, олис қишлоқларга ҳам етиб бораётди. "Маҳалла" хайрия жамоат фонди вилоят кенгаши уларда яшовчи кам таъминланган оилаларга ижтимоий ёрдам кўрсатиш режасини амалга оширмақда.

«ЎРИҚЗОР». Бекобод туманининг бу олис маҳалласида Баҳор байрамга бағишлаб маданий-маърифий кеча ўтказилди. Ўзбекистон халқ артисти Тўти Юсупова, Ўзбекистонда хизмат кўрсатган артист Анвар Фаниев ва бошқа хонандаю созандаларнинг миллий кураш, арқон тортиш, стол тенниси, футбол, волейбол мусобақалари билан уйғунлашиб кетди.

«МИНГЧИНОР». Куйи Чирчиқ туманидаги бу маҳаллага санъат усталари, шоир ва ёзувчилар ташриф буюришди. Шеърхонлик шўх куй-қўшиқларга уланди. Байрам тантаналари давомида 100 дан ортиқ кам таъминланган оилаларга моддий ёрдам кўрсатилди.

«КАНАЛОБОД». Янгиланиш фасли Чиноз туманининг бу маҳалласига ўзгача шодлик, баҳорий кайфият олиб келди. Байрам дастури санъат усталари ва хаваскор ижрочилар иштирокидаги катта концерт билан бошланди. Танikli шоир ва ёзувчиларнинг чиқишлари маҳалла аҳлига манзув бўлди. Спорт мусобақаларида голиб чиққан оилага бир бошдан қорамол, 22 оилага 20 тадан жўжа, 30 хонадонга ёғ, шакар, гуруч, ун ҳада этишди. Байрам арафасида ёрдамга мухтож учта оиланинг уй-жойи таъмирланди.

Юсуф ЖУМАЕВ.

ХАЙРИЯ ТАДБИРИ

Наврўз умумхалқ байрами муносабати билан вилоят ҳокими "Меҳр-шафқат ва саломатлик" жамоат фонди вилоят викалотхонаси билан ҳамкорликда байрам тадбири ўтказди.

Меҳнат фахрийлари, меҳмонхонасида тўпланишди. Улар учун байрам дастурхони ёзилди. "Ўзбекнаво" эстрада бирлашмаси

санъаткорлари концерт дастурини намойиш этишди.

Елғиз кексалар, уруш ва меҳнат фахрийлари, ногиронлар, ёрдамга мухтож аҳоли вакилларига байрам совғалари топширилди.

Умида ШУКУРОВА.

ОГОҲЛИК

ҲАМИША СЕРГАКМИЗ

Шу кунларда юртимизда янгиланиш, яшариш байрами - Наврўзи олам кенг нишонланмоқда. Катта кичик уни шод-хуррамлик билан ўтказиш ҳаракатида.



Бука тумани "Янгиҳаёт" маҳалласилик ёшун қари "Абдуқажор Тошпўлатов" тўйхонасига йиғилишди.

ҲАР КҮНГИЛДА ЎЗГАЧА ҚУВОНЧ

Маҳалла фўқаролар йиғини раиси Тожихон Йўлчибоева байрам дастурхонини ёзишда саховат кўрсатган ҳомий ташкилотларга миннатдорчилик билдирди. Шу каби хайрли ишларга бардавомлик тилади. Наврўз умумхалқ байрами пири бадавлат онахонларимиз дуоси билан бошланди.

Юлдузхон ФАЗЛИДИНОВА. Даврон АХМАД олган сурат.

Тошкент вилояти сайлов комиссияси ҚАРОРИ

ХАЛҚ ДЕПУТАТЛАРИ ТОШКЕНТ ВИЛОЯТИ КЕНГАШИ ДЕПУТАТИ ЭТИБ РҲҲАТГА ОЛИШ ТЎҒРИСИДА

"Халқ депутатлари вилоят, туман ва шаҳар Кенгашига сайлов тўғрисида"ги Ўзбекистон Республикаси Қонунининг 11, 41, 45-моддаларига мувофиқ Халқ депутатлари Тошкент вилояти Кенгашига сайлов ўтказувчи вилоят сайлов комиссияси ҚАРОР ҚИЛАДИ:

1. Куйидагилар Халқ депутатлари Тошкент вилояти Кенгаши депутати этиб рўйхатга олинсин

Table with columns: T/p, Депутат этиб сайланганларнинг фамилияси, исми, отасининг исми, Туғилган йили, Партияга мансублиги, Номзод кўрсатган партия, Иш жойи ва лавозими, Яшаш манзили, Сайлов округи рақами ва номи.

Вилоят сайлов комиссияси раиси Тошкент шаҳри, 2012 йил 19 март.

У. АБДУШОҲИДОВ.

ЯХШИ НИЯТ

Нихоят, қуёшнинг заррин нурлари қалбимизни, борлиқни илтиди. Одамлар қаҳратондан омон-эсон чиққанликларини учун шукроналар айтадилар. Дарҳақиқат, бу йил қиш эрта тушди, совуқ кунлар узоқ давом этди. Ёгингарчилик кўп бўлди. Бунга яхшиликка йўймоқ керак. Демак, ҳосил мўл бўлади.

БАҲОР ЗАВҚИ

Юртимизда қорлар эриб, қўкдам борлиқни эгалайди. Замин ян-яшил либосини ёйиб, ранг-баранг гулларга бурканди. Найза отган майса қуёш нурида ипакдек товланади. Борлиқ жонланади. Қўкдамнинг ҳар бир дақиқаси - ариқларнинг тўлиб оқиши, мусатфо осмон, бойчечак гули, қуёшнинг илқ тафти - ҳамма-ҳаммаси инсонга хузур бахш этади.

Болалигимни эслайман. Раҳматли бувим кўзмончоқ ялпизни юз-кўзларига суртиб: "Эсонлик-омонлик" дердилар. Бўғота илк бор қалдирғочни кўрсалар ҳам кўзларига ёш олиб, қўкларини дуога очардилар. Онам билан ҳовли, кўчаларни тозалар, уй кўтарар эдик. Охорлик киярдик. Қизлар билан бошимизга сочбараклар илардик.

Мухайё ТҮЛАГАНОВА.

Наврўз Эски Тошкент қишлоғига алоҳида шуқу, қувонч ва эртанги фаровон кунларга, юртимизда тинчликнинг барқарорлигига ишонч билан кириб келди. Катта-кичик эрта

тондан қишлоқ марказидаги оммавий тантаналар марказига тўпланиди. Чиноз шаҳри, Яллама, Туркистон ва бошқа қишлоқлардан меҳмонлар келишди.

ЭСКИ ТОШКЕНТДА БАЙРАМ ШУҚУҲИ

Кўкдамги дала ишларини аллақачон бошлаб юборган деҳқон, боғбон, чорвадор, кўйинги, қишлоғимизнинг барча тadbиркорлари учун бугун катта байрам, - деди "Аҳиллик" маҳалла оқсоқоли Холмурза Турсунқулов. - Узоқ давом этган совуқ қиш кунларидан кейин Наврўз кўнгилларимизга илқиклик, катта-кичикка баҳорий кайфият бағишламоқда.

Қишлоқ фўқаролар йиғини "Уймовит"ни "Энг илғор маҳалла", "Рамадон"ни "Касаначиликни ривожлантиришда энг илғор маҳалла" номинациялари бўйича голиб деб топди. Айниқса, "Бешкапа" маҳалла фўқаролар йиғини раиси Бекпошша Холматованинг қувончи чексиз. Чунки, бу маҳалла икки номинация бўйича кўрик голиби бўлди.

Хим Абдуллаев, газ идораси ходими Абъзам Сафаралиев, "Қайроғоч" маҳалла оқсоқоли Роза Даминова, МТП раҳбари Абдурашид Арслонов сингари илғорлар ҳам рағбатлантирилди.


Наврўз байрамида тadbиркорлик бўйича ўз-ўзи халқларини амалга оширишга қаришган хусусий тadbиркорларга имтиёзли кредит олиш учун сертификатлар берилди, йигирмата кам таъминланган оилага моддий ёрдам кўрсатилди. Бу тантаналар бир гуруҳ гўдакларнинг суннат тўйига уланди. Қишлоқ тadbиркорлари уларга қатнашбошқа совғалар топширишди.

Куй-қўшиқлар янграб, ўйин-кулги билан ўтган байрам тантаналарида вилоят ҳокимининг ўринбосари, хотин-қизлар кўмитаси раиси Сайёра Файзиева қатнашди.

Жўрабек МУРОДОВ.

КЎЧАТ ЭК, БОҒ ЯРАТ

Ўрта Чирчиқ туманидаги Ўртасарой қишлоғининг тўртта маҳалласида Наврўз байрами арафасида ободонлаштириш ва кўкчамзорлаштириш ишлари қизғин давом эттириляпти. Кўча ва майдонлар тозаланиб, кўчатлар экиляптир.



Собир ЗУФАРОВ олган сурат.

КОЛЛЕЖ ҲУДУДИ ОРАСТАЛАНДИ

Ҳар йили Наврўз байрами арафасида ўтказилган анъанавий умумхалқ ҳашарида Чирчиқ Олимпия заҳиралари коллежи жамоаси фаол иштирок этади.

Баннер ўрнатилляпти. Шу билан бирга, коллеж ҳудуди тозаланиб, чикиндилар махсус автомашиналарда олиб кетилди. Барча ўқитувчи, мураббий ва ўқувчилар байрамни янада кўтаринки руҳда ўтказиш мақсадида, биргаликда сидикидилан меҳнат қилдилар. Зилола ТОЖИЕВА.

Коллеж ҳудуди ва унинг атрофидаги 2000 метр узунликдаги ариқлар тозаланди. 140 га яқин дарахтларга шакл берилиб, оқланди. 17-18 март кунлари 60

туп қарағай кўчати экилди. 500 метр узунликдаги йўлақлар четига ўрнатилган бардер оқланди. Коллеж ҳудудига янада чирой кўшиш мақсадида 14 та

22 МАРТ - МИРЗО УЛУҒБЕК ТАВАЛЛУД ТОПГАН КҮН

АЛЛОМАНING НУРЛИ ИЗЛАРИ

Улуғбек қурдирган энг олий иморатлардан яна бири Самарқанда 1428-1429 йиллари Қўхак (Чўпон ота) тепалигининг эстагида қад кўтарган ва ҳозир унинг ер ости асбоби қолдиқлари археологик ёдгорлик сифатида сақланиб қолган расадхонасида. Унда 200 дан ортиқ олимлар фаолият олиб бориб, ўша даврнинг илмий академияси яратилди. Ушбу иншоот Улуғбек даври мезмориликдаги кўхна ва нодир намуналардан ҳисобланиб, астрономик кузатув муассасаси бўлиб хизмат қилди. Унда жойлаштирилган ўндан ортиқ курилма ва асбоблар орқали қуёш, ой ва сайёраларни ўрғаниш натижасида астрономияга оид илмий асарлар битилди. Унда энг машҳур "Зижи Қўрагоний" (Улуғ астрономик жадвал) номи билан дунёга танилган. Расадхона Бобур берган маълумотга қўра уч қаватли, баландлиги 30,4 метр бўлган. 1908 йили археолог В. Л. Вяткин ва кейинчалик Ўзбекистон олимлари олиб борган илмий тадқиқотлар натижасида айланаси 48 метр, ташқи деворларининг қалинлиги икки метрдан кам бўлмаган тўрт эшикли улкан иморатнинг марказидаги бош курилманинг қолдиқ қисмида ва унинг икки ёнида жойлашган хочсимон заллар, катта-кичик хоналар, йўлақлар бўлганлиги аниқланган. Улуғбек ҳоким эмас, балки олим сифатида жаҳонга танилган бежиз эмас. Бизгача етиб келган таърихий санъат намуналарида унинг

жаҳондаги буюқ фалакшунослар даврасида тасвирланган сиймоси эътиборимизни ўзига тортади. 1960 йили поляк астрономи Ян Гевелий чоп эттирган "Юдузлар осмонининг атласи"даги икки таврада ушбу даврнинг машҳур астрономлари орасида Улуғбекка фахрий ўрин берилган. Олимларнинг "Мирзо Улуғбек мусулмонлар дунёси тарихида ягона подшоҳзода олим бўлиб, замонашарари уни Аристотель шоғирларининг пешқадами" деган таърифларида жон бор, албатта. Улуғбек баракали меҳнат қилди. Унинг "Тўрт улус тарихи", "Рисолаи Улуғбек" айниқса, "Зижи Қўрагоний" буюқ асарининг 1665 йил Оксфордда, 1917 йил Американда, 1943 йил Лондонда, 1953 йил Парижда таржима қилиб, чоп этилиши Теурийлар номи дунёга танилди. Улуғбек нафақат Теурийлар номи, балки миллатимиз шаънини кўкларга кўтарган ўнлаб аждодларимиз қаторидан муносиб ўрин эгаллашга улғурди. Бу буюқ инсоннинг 56 ёшида фожиали ўлим тафсилотлари ҳақида замонашарари бўлиши Мирхонд Абдураззоқ Самарқандий каби тарихчилик кишини қайғуга солувчи сатрларини ёзиб қолдиришданлар. У Самарқанддаги Гурй Амир мақбарасига, Амир Теурий қабрининг оёқ томонида дафн этилган. Қабр устига қўйилган кулранг тошхатта устига қўйилган тўштар битилган: "Нур билан тўлган бу мақбара - жабрдийда шаҳид ва ўз васили билан жаннатулмаъни мунаввар қилган подшоҳ олийнинг муаттар равзаси-

22 МАРТ - ХАЛҚАРО ОБИ ҲАЁТ КУНИ

Ер юзиде инсон зоти пайдо бўлибдики, сув - асосий ҳаёт манбаи, тараққиёт омилига айланган. Кейинги бир неча ўн йилликлар даврига келиб, сув захираларини авайлаб асраш, бир томчисини ҳам исроф қилмай, тежаб-тергаб ишлашти дунё миқёсида глобал, яъни умуминсоний муаммосига айланди. Айниқса, чучук сув таъминоти масаласида яқин келажакда жиддий танқислик сезила бошлагани мутахассис олимлар қайта-қайта таъкидламоқдалар.

ИСРОФ ҚИЛИБ БЎЛМАЙДИГАН НЕЪМАТ

Шу нуқтага назардан қараганда, Бирлашган Миллатлар Ташкилотининг 1992 йил Рио де Жанейро ҳақидаги атроф-муҳитни муҳофаза қилиш Конвенцияси иштирокчилари қарорига мувофиқ ҳар йили 22 март Халқаро оби ҳаёт кунини сифатида нишонлаб келинаётгани умумжаҳон сув танқислиги муаммосини ибодий ҳал этишга хизмат қилиши шубҳасиз. Ўзбекистон Республикаси Табиатни муҳофаза қилиш давлат қўмитаси, Тошкент давлат юридик институти ҳамда "ЭКОСАН" халқаро жамоат фондининг ўрни ва вазифалари каби долзарб мавзулардаги маърузаларни тингладилар. Шунингдек, анжуманда "Право водопользования, водопотребление и охрана вод" монографияси, "Коплон - 2012" экожурналистика танлови, "Экология-Саломатлик" ижтимоий-сиёсий газетаси тақдимотлари ҳам бўлиб ўтди. Матбуот анжуманининг якунловчи қисми қизгин мунозаралар тарзида ўтди. Ўз мухбиримиз.

2012 йил - МУСТАҲҚАМ ОИЛА ЙИЛИ

Халқимиз азал-азалдан оилани муқаддас деб билади, уни қадрлайди. Эркин ва демократик жамият қуриш йўлидан бораётган мамлакатимизда оилани мустаҳкамлаш қонуни билан қафолатланган. Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг 63-моддасида оила жамиятнинг асо-

сий бўлини экани, унинг жамият ва давлат муҳофазасида бўлиш ҳуқуқи алоҳида эътироф этилган. Ўзбекистон Республикаси Оила кодексининг 40-моддаси талабига кўра, никоҳдан ажратилиш ҳақидаги ишлар судда эр ёки хотиннинг аризагина биноан белгиланган тартибда қўрилади.

Аввало, суд эр-хотинни яраштириш ва оиладаги вазиятни соғломлаштириш чораларини кўришга мажбур. Бунда суд тарафларнинг ёки улардан бирининг илтимосига ёхуд ўз ташаббусига кўра ишни қўришни бошқа вақтга қолдиришга ҳақли. Оила кодексининг 40-моддасида кўрсатилганидек, эр-хотиннинг ўзаро муносабатлари ва яшаб кетиш имкониятларини ҳисобга олган ҳолда олти ойгача муҳлат белгилаш мумкин. Суд ажримнинг нусхалари улар яшайдиган хотин-қизлар кўмиталари, маҳалла фуқаролар йиғини ва ўзини-ўзи бошқариш идораларига муҳокама қилиш ва яраштириш учун юборилади.

Вилоятимизда 2011 йил давомида олдинги йилгидан 42 та кам 3348 та никоҳдан ажратиш ишлари қўриб чиқилди. Етарли асослар бўлмаганлиги сабабли давло аризаларининг 646 таси бўйича давло талаблари рад этилди. 232 та давло ариза эр-хотин яна бирга яшай бошлаганлари ва бошқа сабаблар боис ҳаракатдан тўхтатилди. 517 та давло ариза қўрсатилган қолдирилди. Натигада қўриб эр-хотинларни яраштириш, оилаларини сақлаб қолишга эришилди.

Шу ўринда ибратли бир масолини келтириш жоиз. Фуқаролик ишлари бўйича Ўрта Чирчиқ туманлараро судининг ҳал қилув қарорига кўра, давлоғар Шариф Муслимовнинг

МУҚАДДАС РИШТА УЗИЛМАСИН

(исмлар ўзгартрилди) давлоси қаноатлантирилиб, жавобгар М. Ҳасанова билан никоҳдан ажратилди. Уртадаги бир фарзанд жавобгар М. Ҳасанова тарбиясида қолдирилди. Бу иш Ўрта Чирчиқ туман прокуратураси апелляция протестига асосан қўрилиб, фуқаролик ишлари бўйича вилоят прокуратураси апелляция инстанциясининг 2011 йил 7 октябрь кунги ажрими билан суднинг ҳал қилув қарори бекор қилиниб, давло аризани рад қилиш ҳақида янги ҳал қилув қарори қабул қилинди. Аниқланган ҳолатларга кўра, тарафлар 1998 йил 15 июлда қонуний никоҳдан ўтиб, турмуш қуришган. Урталарида воғга етмаган бир фарзанд бор. Келишмовчиликлар оқибатида улар 2009 йил август ойидан буён бир ўйда яшаб келсаларда, оилавий муносабатларини тўхтатганлар. Давлоғар Шариф Муслимов ўзининг биринчи турмуш ўртоғи бўлган Замира Муродова билан ярашиб, бирга яшаб келган. Ишни биринчи инстанция судида қўриш чоғида давлоғар Шариф Муслимов

талаб қилган бўлсада, эр-хотин қонуний никоҳдан ўтиб, 14 йил бирга яшаб келишгани, ўрталарида воғга етмаган фарзандлари борлиги, жавобгарнинг никоҳдан ажратилишга рози эмаслиги, ҳозир ҳам давлоғарнинг ўйда яшаб келаётгани ва оиласини сақлашга ҳаракат қилиши ҳақидаги тушунтиришларини эътиборга олиб, оила ҳали барбод бўлмаган, уни сақлаб қолиш имконияти мавжуд, деб ҳисоблади.

Шунингдек, Зангиота туманлараро судининг ҳал қилув қарори билан давлоғар Х. Усмоновнинг жавобгар К. Раҳимовага нисбатан никоҳдан ажратилиш ҳақидаги давло талаблари қаноатлантирилган. Зангиота туман прокурорининг қассация протестига асосан Фуқаролик ишлари бўйича вилоят суди бу ҳал қилув қарорини бекор қилган ва давлоғар рад этиш ҳақида янги қарор чиқарган.

Хулоса ўрнида шуни айтиш мумкинки, келгусида биз маҳаллий ҳокимият идоралари, хотин-қизлар кўмиталари, қишлоқ ва маҳалла фуқаролар йиғинлари билан ҳамкорликда оилаларни сақлаб қолиш, уларни мустаҳкамлаш учун барча қонуний чораларни кўраверамиз. Эеро, оилаларда соғлом маънавий муҳитни вужудга келтириш, янги ижтимоий-иқтисодий шароитларда воғга етмаган болалар ва меҳнатга лаёқатсиз аэзоларнинг мафлаатларини ҳимоялаш ҳаммамизнинг ишимиздир.

Мирза СОЛИЕВ,
вилоят прокуратураси
бўлим прокурори.

«OHANGARON DON MAHSULOTLARI»

очик акциядорлик жамияти жамоаси

барча юртдошаримизни

Наврўзи олам

билан самимий қутлайди.

Янги кун шодиёналари

кўнглингизга илиқлик,
ҳаётингизга фаровонлик,
хонадонингизга

файзу барака келтирсин!

Баҳор айёми муборак!

«CAPITAL REALTOR GROUP» МЧЖ очик аукцион савдоларига таклиф этади!

"Capital Realtor Group" МЧЖда 2012 йил 24 апрель кунин соат 11.00 да объект бошлангич баҳоси босқичма-босқич ошиб бориш тартибда ўтказиладиган очик аукцион савдоларига қуйидаги кўчмас мулк объектлари қўйилмоқда:

Суд департаментининг Тошкент шаҳар ҳудудий бошқармаси томонидан савдога қўйилган:

1. ЖИБ Тошкент шаҳар судининг 2011 йил 21 октябрдаги 1-531/2011-сонли ижро варақасига асосан хатланган, Д. Равшанова тегишли, Тошкент шаҳри, Сирғали тумани, Қўйлик-5 мавзеси, 15-уй, 159-хонадонда жойлашган, умумий майдони 41,73 кв.м., яшаш майдони 22,55 кв.м. бўлган, 9 қаватли уйнинг 9-қаватидаги 1 хонали уй. Бошлангич баҳоси – 17 661 000 сўм.
2. ЖИБ Тошкент шаҳар судининг 2011 йил 21 октябрдаги 1-531/2011-сонли ижро варақасига асосан хатланган, Б. Н. Шукуровга тегишли, Тошкент шаҳри, М. Улуғбек тумани, Афғон кўчаси, 6-уйда жойлашган, умумий майдони 201,5 кв.м. бўлган қури-

лиши тугалланмаган ер майдони. Бошлангич баҳоси – 84 870 000 сўм.

3. ЖИБ Тошкент шаҳар судининг 2011 йил 21 октябрдаги 1-531/2011-сонли ижро варақасига асосан хатланган, Б. Н. Шукуровга тегишли, Тошкент шаҳри, М. Улуғбек тумани, Афғон кўчаси, 8-уйда жойлашган, умумий майдони 772,0 кв.м. бўлган қурилиши тугалланмаган ер майдони. Бошлангич баҳоси – 123 740 800 сўм.

4. ЖИБ Тошкент шаҳар судининг 2011 йил 21 октябрдаги 1-531/2011-сонли ижро варақасига асосан хатланган, Б. Н. Шукуровга тегишли, Тошкент шаҳри, М. Улуғбек тумани, Афғон кўчаси, 10-уйда жойлашган, умумий майдони 400,0 кв.м. бўлган қурилиши тугалланмаган ер майдони. Бошлангич баҳоси – 64 170 000 сўм.

Чирчиқ шаҳар Суд ижрочилари бўлими томонидан савдога қўйилган: Тошкент вилояти Хўжалиқ судининг 15.08.2011 йилги 11-1127/9558-сонли ижро варақасига асосан хатланган, "Магнит бизнес савдо" ХКга тегишли, Тошкент вилояти, Чирчиқ

шаҳри, Фалаба кўчасида жойлашган, умумий фойдаланиш майдони 67,72 кв.м. бўлган дўкон биноси. Бошлангич нархи – 45 000 000 сўм.

Ушбу кўчмас мулклар билан тегишли суд ижрочилари бўлими вакиллари иштирокида бевосита жойига чиқиб танишиш мумкин.

Аукцион савдосида қатнашиш истагида бўлган талабдорлар объект бошлангич баҳосининг 10 фоизи миқдоридан кам бўлмаган закалат пулини тўлов ҳужжатида ижро ҳужжати рақами ва санасини кўрсатган ҳолда ҳар бир мулк учун алоҳида тартибда савдо ташкилотчисининг "Капиталбанк" ОАТБ Мирзо Улуғбек филиалидаги қуйидаги ҳисоб рақамига тўлашлари шарт: 20208000204927571003, МФО 01018, СТИР 207126662. Аукцион савдосида иштирок этиш учун талабдорлардан аризаларни қабул қилиш савдо бўлашига бир кун қолганда соат 17.00 да тўхтатилади.

Мурожаат учун манзил: Тошкент шаҳри, Қушбеги кўчаси, 18-уй. Телефон: 250-19-24.

Лицензия: RR-0017.

«KO'P TARMOQLI KO'SHMAS MULK SAVDO» МЧЖ бошлангич баҳоси босқичма-босқич ошиб бориши тартибда ўтказиладиган очик аукцион савдосига таклиф этади!

Такрорий аукцион савдосига Яққасарой тумани СИБ томонидан 10.10.2007 йилдаги ЖХС-1-511/2007-сон ижро варақасига асосан Тошкент шаҳри, Яққасарой тумани, 1-тор Ракатбоши кўчасида жойлашган Д. Г. Бекмухаммедова тегишли, бошлангич нархи – 405 346 599 сўм бўлган, уй-жойнинг умумий майдони 203,70 кв.м., умумий ер майдони 325,0 кв.м.дан иборат бўлган икки қаватли 15-уй (хавли) қўйилмоқда.

Аукцион савдолари 2012 йилнинг 6 апрель кунин соат 11.00 да Тошкент шаҳри, Олмазор тумани, Беруний кўчаси, 83-уйда

жойлашган 311-хонада бўлиб ўтади.

Ушбу савдоларда қатнашиш учун талабдорлар мулк бошлангич баҳосининг 10 фоизидан кам бўлмаган миқдорда закалат пулини "KO'P TARMOQLI KO'SHMAS MULK SAVDO" МЧЖнинг АТИБ "Ипотeka банк" Шайхонтохур филиалидаги 20208000104931635001, МФО 00425, ИНН 207128747, ОКОНХ 83400 ҳисоб рақамига тўлашлари шарт.

Савдога қўйилган мол-мулклар билан тегишли суд ижрочилари бўлимининг вакили иштирокида бевосита жойига чи-

қиб танишиш мумкин. Аукцион савдоларида иштирок этиш учун талабдорлардан ариза ва бошқа тегишли ҳужжатларни қабул қилиш расмий иш кунлари соат 9.30 дан 18.00 гача қабул қилинади. Аукцион савдоларида иштирок этиш учун талабдорлардан ариза ва бошқа тегишли ҳужжатларни қабул қилиш кимошди савдоси ўтказилишига бир иш кунини қолганда соат 18.00 да тўхтатилади.

Мурожаат учун манзил: Тошкент шаҳри, Олмазор тумани, Беруний кўчаси, 83-уй, 311-хона. Телефонлар: 249-54-59, 249-53-61.

Лицензия: №0039.

«MALAKALI RIELTOR SERVIS» МЧЖ риэлторлик ташкилоти очик аукцион савдоларига таклиф этади!

Тошкент вилояти «DORIDARMON» ОАЖ кузатув кенгаши мажлисининг 2012 йил 9 мартдаги 3-сонли баённомасига асосан қуйидаги кўчмас мулк объекти баҳоси босқичма-босқич ошиб бориш тартибда ўтказиладиган очик аукцион савдоларига қўйилмоқда: бошлангич баҳоси – 322 681 856,0 сўм бўлган, Тошкент вилояти, Қиррай тумани, Қиррай Ш.Ф.Й., Зебинисо кўчаси, 2-уйда жойлашган "26-сонли дорихона" бино ва иншоотлари.

Аукцион савдоси 2012 йил 24 апрель соат 15.00 да Тошкент шаҳри, Яққасарой тумани, Юсуф Хос Ҳожиб кўчаси, 28-уй, Тошкент вилояти «DORIDARMON» ОАЖ биносининг мажлислар залда ўтказилади. Ушбу кунда сотилмай қолган объектнинг

тақрорий савдоси 2012 йил 10 май кунин соат 15.00 да бўлиб ўтади.

- Алоҳида шартлар:
- дорихона фаолиятини сақлаб қолиш;
 - фармацевтика фаолияти бўйича лицензияга эга бўлиши ва "Гиеҳвандлик вивиситалари ва психотроп моддалар тўғрисида"ги Қонунга амал қилган ҳолда беморларни дори воситалари билан таъминлаш;
 - объектни 1 йил муддатда 500,0 млн. сўм миқдорда инвестиция киритиб қайта капитал таъмирлаш;
 - дорихона замон талабига мос жиҳозлар ва асбоб-ускуналар билан таъминлаш, шу жумладан, стерил блок ташкил этиш;
 - янги иш ўринларини яратиш;
 - дорихона худудини доимо ободонлаштириш;
 - савдо фолиби билан ту-

зиладиган олди-сотди шартномасида объект учун тўлов муддати мазкур шартнома икки томонлама имзоланган кундан бошлаб 30 (ўттиз) банк иш кунини ичнда амалга оширилиши белгиланган;

● савдо фолиби томонидан юқорида кайд этилган шартлар бажарилмаган тақдирда мулк эгаси томонидан олди-сотди шартномаси ўрнатилган тартибда бекор қилиш ҳуқуқига эга бўлади.

Аукцион савдоларида иштирок этиш истагини билдирган шахслар "Закалат пули тўғрисидаги қелишув"ни имзолагандан сўнг, объект учун бошлангич баҳосининг 10 фоизидан кам бўлмаган миқдорда закалат пулини «MALAKALI RIELTOR SERVIS» МЧЖнинг ЎзСҚБ Тошкент шаҳар худудий ф-лидаги

20208000004802102001 ҳисоб рақамига, МФО 00424, СТИР 301326099, ХХТУТ 83400 тўлашлари лозим.

Аукцион савдоларида қатнашиш учун талабдорлар қуйидаги ҳужжатларни топшириши керак: аукционда иштирок этишга икки нусхада бюронтаномаси; закалат пули тўғрисида қелишув; закалат пули тўланганлиги ҳақида тўлов ҳужжати; юридик шахслар учун – давлат рўйхатида ўтказилганлик тўғрисида гувоҳноманинг нусхаси, таъсис ҳужжатлари нусхалари (устав, таъсис шартномаси, гувоҳнома) хориқлий сармомдорлар – ҳуқуқий шахслар учун Ўзбекистон элчихонаси ёки улар вакил бўлган давлатнинг Ўзбекистондаги элчихонаси тасдиқлаган таъсис ҳужжатлари нусхалари (нотариал тасдиқланган ҳолда), таъсисчиларнинг

аукционда иштирок этиши бўйича қарори, раҳбарнинг тегишли буйруғи; шунингдек, тўлиқ ваколатли вакилнинг аукционда қатнашиши учун қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда расмийлаштирилган, унинг шахсини тасдиқлайдиган ҳужжатнинг нусхаси илова қилинган ишончнома.

Мазкур ҳужжатлар харбарнома чоп этилган кундан бошлаб, жамиятнинг расмий иш кунинда соат 9.00 дан 16.00 гача: 100060, Тошкент шаҳри, Миробод тумани, Амир Темур шоҳ кўчаси, 19-уй, 2-қават, 11-хонада қабул қилинади ва савдо бошланшидан 1 (бир) кун олдин соат 16.00 да тўхтатилади.

Қўшимча маълумотларни 144-21-24 телефон рақами орқали олишингиз мумкин. Лицензия RR – 0016.

КЎРГАЗМА

Ёшлар ижод саройида Ҳасан Пайдоевнинг "Ўзбекистон маданияти ва санъати форуми" жамғармаси ва Ёшлар ижод саройи ташкилотчилигида Наврўз байрамига бағишланган "Тараннум" номли шахсий фотокўргазмаси ташкил этилди.

Кўргазманинг очилиш маросимида санъатшунос олимлар, фоторассом ва оммавий ахборот воситалари вакиллари иштирок этди. Экспонатлар ёнида ижодкорлар ва кўргазмага келган ихлосмандлар билан суҳбат-мулоқотлар, фикр алмашувлар, муаллиф билан савол-жавоблар бўлиб ўтди.

ТАРАННУМ

кўлаб вилоятлар мисолида табиат манзаралари, йиллимизнинг турли фасллари, портретлар, миллий маданиятимизнинг айрим қирралари, тарихимиз, қадриятларимизни эслатувчи меъморий ва археологик ёдгорликлар тасвирида ҳаёт фалсафаси акс этган.

Муаллифнинг "Ҳожикент", "Тоғдаги қишлоқ" туркумидаги қатор фотосуратлари, шунингдек "Тоғлар менинг маконим" деб номланган Чорвоқ атрофи тасвирига туширилган асарни Тошкент вилоятининг гўзал манзараларига бағишланган.

Мавзулар хилма-хиллигига қарамай, санъатнинг турли жанрларидаги бу фотосуратларда ягона туйғу – она юртга муҳаббат тараннум этилганини, халқимизнинг тараққиёт йўлидаги буюк бунёдкорлигини кўраимиз.

Кўргазмани кўздан кечирган ихлосмандлар Ҳасан Пайдоевнинг ижоди серкирра, фотосуратлар мавзуси кенглигини ҳис этмоқдалар. Муаллиф Камолитдин Бехзод номидаги Миллий рассомлик ва дизайн институтида таҳсил олган. Ҳозирги кунда "Халқ сўзи" газетасида фотомухбир лавозимида ишлаётгани, бугунги ҳаётимизнинг

кайноқ жойларида кўп бўлиши, ўз устида ишлаши, тинимсиз изланиши жўшқин илҳом ва собитқадамлик манба бўлиб хизмат қилаётганини сезиш мумкин.

Ҳасан Пайдоев ёш бўлишига қарамай, республика ва халқаро кўргазмаларда мунтазам қатнашмоқда. "Баркамол авлод – юрт келажиги" танлов-кўргазмаси ва "TashkentALE" Халқаро замонавий санъат фотобиеннаlesi голиби, "Олтин қалам" V Халқаро миллий мукофоти соҳиби, "Озод юртининг обод пойтахти" танлов-кўргазмасининг III даражали диплом эгаси, "Навқирон Ўзбекистон" замонавий, анъанавий санъат фестивали ва "Сиз билан фахрланаман" фотокўргазмасининг иштирокчиси.

Ҳасан АБДУНАЗАРОВ.

ФАХРИЙЛАР ИЖОДИДАН

БАҲОР

Дов-даразтлар уйғониб бузу, Қили кўрпасини отар усминдан. Нафис кўртак ноз оғиб гулгу, Бўриб икди нўстлоқ остидан.

Фасллар бари келади тақроф, Шўкқиз оғ қушиб навбатини. Лекин ҳаёт ким эмолмас тикор Қўжкам файзи, шароватини.

Шўрт мавсумини келтибди у, Келган кунни тўро шайтана. Яил ҳосилини белангани у, Далада иш бошланган сана.

Баррак тақар соғина қизлар, Шогини нозни алвои – лоладан. Қувнар қилдан зериккан қўзлар, Шабнатини ажиб рангидан.

Янгилашти рамзи бу фасл, Етмай қолар мактамоққа сўз. Замирида тағриф бор асл: Учини билан бошлар Наврўз.

Ражаббой БАГИРОВ.

СПОРТ

ЭШКАКЧИЛАР СУВГА ТУШДИ

Тошкент денгизида байдарка ва каноэда эшкак эшувчиларнинг жорий йилги дастлабки расмий мусобақаси – Ўзбекистон қишки чемпионати бўлиб ўтди. Мусобақада мамлакатимиз терма жамоаси сафида халқаро мусобақалар голиблари, тажрибали спортчилар билан бирга ёшлар ҳам ўз маҳоратини намойиш қилди.



Ўзбекистон "Rowing and canoe" федерацияси томонидан ташкил этилган чемпионат спортчиларнинг ўқув-машғулот йилларида тўплаган тажриба ва кўникмасини синовдан ўтказиш ҳамда жорий йилги мавсумда терма жамоамиз сафида юртимиз шарафини ҳимоя қиладиган иқтидорли спортчиларни саралаб олиш имконини берди.

Уч кун давом этган мусобақада 100 нафарга яқин спортчи байдарка ва каноэда 500, 1000, 2000 ва 5000 метрга эшкак эшиш бўйича яққил беллашувларида куч синдириди. Шунингдек, мусобақа дастурига илк мартаба қизлар ўртасида каноэда 200 ва 500 метрга эшкак эшиш баҳслари ҳам киритилди.

Эркалар ўртасида тажрибали спортчи Алексей Мочалов 1000 ва 5000 метрга байдаркада эшкак эшиш бўйича баҳсларда иккита олтин, 2000 метрга пойғада кумуш медални қўлга киритди. Ушбу масофаларда эшкак эшишда яна бир маҳоратли байдаркачи Сергей Борзов битта олтин ва иккита бронза медални қўлга киритди. Иқтидорли спортчилардан Вильям Иброҳимов иккита кумуш, Вя-

чеслав Горн битта бронза медаль билан қифояланди.

Каноэда эшкак эшишда Дилшод Йўлдошевга тенг келадигани топилмади. У 1000, 2000 ва 5000 метрлик пойғаларда учта олтин медалга сазовор бўлди.

Байдаркада 1000, 2000 ва 5000 метрга эшкак эшиш бўйича хотин-қизлар ўртасидаги баҳсларда Юлия Борзова маррага биринчи етиб келган бўлса, 500 метрлик пойғада Екатерина Шубина олтин медални қўлга киритди.

Хотин-қизлар ўртасида каноэда эшкак эшиш баҳслари ҳам муҳлису мутахассисларда катта қизиқиш уйғотди. Каноэда 200 метрга эшкак эшишда Екатерина Заркова голибликни қўлга киритган бўлса, 500 метрлик пойғада София Емельянова олтин медалга сазовор бўлди.

Шунингдек, чемпионатда Элдор Қаюмов, Нурислом Тўхасин ўғли, Артур Гулиев, Ильдар Каргаполов, Рауф Фотиҳов, Жаҳонгир Исмоилов, Элёр Мамадалиев, Мария Горн ва Ольга Умаралиева сингари спортчилар ҳам совриндорлар қаторидан жой олди.

Байрам АЙТМУРDOV, ЎЗА мухбири.

Advertisement for «БЕКOBODЦЕМЕНТ» OAJ. Features a large image of a factory and a group of people in traditional dress. Text includes: «БЕКOBODЦЕМЕНТ» OAJ жамоаси, барча юртдошларимизни гўзаллик ва яшарли айёми – Наврўзи олам билан самимий қутлайди. Ватанимизнинг гуллаб-яшнаши, халқимиз турмуш фаровонлиги янада юксалиши йўлидаги эзгу ишларида куч-қувват ва омад тилаймиз! Наврўзингиз муборак бўлсин!

ИҚРОР

Катта қизим Ирода қўлимда чақалоқ эди. Саксон уч ёшида энам вафот этди. Гўё бошимга осмон кулагандек бўлди, чунки болаликдан бебаҳо ўғитларини тинглаб улгайгандим. Узоқ вақт ўзимга келолмадим, шу сатрларни ёзаяман-у, мижжам-га ёш қалқиб чиқаяпти. Азиз кишиларини йўқотишдан ортқ изтироб йўқ.

Қайнонам Тожиниса Мавлон қизи оламдан ўтганида ҳам худди шундай бўлди. Раҳматли олим билан яқин сирдош, ҳамдард ва ханма-фас бўлиб қолган эканмиз. Ўзим энамнинг меҳри остида вояга етганим боис болашимнинг тарбиясини оймағи ишониб, кейинги йилларда тўнғичим Иродани бувисининг қарамоғига бергандим. Бунини айримлар бошқача тушунишди. Аммо бундан зинҳор афсусланмайман. Отасиз ўсганига яраша, лоқал бувисининг меҳрини кўрдик-ку...

Ирода бувисидан мен беролмаган жиҳатларни олди. "Болам, ўғлинг отаси ўтган уйга келади, менга уни уйлаш насиб этсайди", дея орзу қиларди, аммо бу ҳам армонга айланди. Бугун Исқандар бувиси билан буваси

орзу қилганидек йигит бўлди. Унинг табиатини бувисига, меҳрибонлигини бувисига менга эайман.

Фарзандларим болалик хотираларида, албатта, бувисининг боғдаги манқалда кўмма қилиб берган жўхори-лари-ю, ширин-шакар қуруқ меваларини энтиқиб эслайдилар. Меҳридарё қарияларнинг ўрнини ҳеч ким ва ҳеч

хоксор эдилар, ҳатто, дили ранжиганда ҳам кўевиға қаттиқ гапирмай: "Болам сени ҳўрмат қилади, сал қойиб қўй", деганида хайрон бўлганман. Ойим қизларини ёқлаб, куёвларининг ёқасидан олган она эмасди. Эҳтимол, шунинг учунми, барча қийинчиликларга қарамай, қизлари яхши яшаб кетишган, эрларини эъзозлайди-

ларнинг нафақасини тийини-гача сақлаб қўяр, ҳатто на-бираларига бир-икки сўм қўшиб беради. Ойим болажон эди. Укасининг балоғатга етмаган етим болалари тўғрисида кўп қайғуларди. Навқирон ўғлининг доғи-ҳасрати оғирлигини баъзан инжиқлик қиларди-ю, шунданми бизга сира ёмонлики раво кўрмаган.

ларга ўрганиб қолганди. Ойим менинг кўнглимга қараб унга меҳр берди. Унча-мунча одам бундай тантиликка боравермайди. Бу уйнинг устун олим экан, уларни ҳамон тушларимда кўраман. Ойим тоғдек бардошли аёл эди, ҳеч иш танламасди. У эккан экинлар жуда баравж бўлар, ҳар битта

ни зийрат қилиб келинг, десам ўғлимни қолишади. Меҳр сотилмас экан. Буларни қоралар эканман, қайнонам раҳматлининг менга чин она бўлганини тушундим. Ҳаётда, ҳатто, ўз онамдан ўргана олмаганларимни шу азияу муқаррам инсондан ўргандим. Шу сабабли, сиз ҳаммаша мен ва ўғил-қизларим хотирасида абадий яшайсиз, дея тақоррайман.

Бугунги ёш келинчақларга қайнонангиз сизнинг иккинчи онангиз, ундан ранжиманг, тақки таъсирларга берилманг, бебаҳо гавҳарни йўқотганингиздан кейин пушаймон қиласиз, баракангизни учирманг, дейишни қанда қилмайман. Чунки, инсон борки, азизларини йўқотган, боши тошга теккандек, ўзини қўйишга жой тополмайди. Аммо, кўпинча йўқотишга ўзи сабаб бўлганини тан олмайди.

Тожиниса оймнинг ичи йигласа-да, қўзлари қулиб, "айланай, болам", деб туриларини юракдан соғиниб яшаймиз. Шу биргина калом бизни ўша ўйга боғлаб турган экан. Улар бизнинг йўлимизни еритиб турган чинакам маёқ эдилар.

Нигора ШОФАЙЗИЕВА.

СИЗНИ ОНАМ ДЕРМАН

нарса боса олмайди. Тожиниса оймни тушунишим бошида қийин кечган бўлсада, келин сифатида ҳеч қачон кўзига тик боқмагандим. Аммо, айрим "меҳрибонлар"нинг шарофати билан дилини ранжитган кунларимни эсласам, юрагимнинг бир чети қуяди. Ойим аслида менга бегона юртда оналик қилиб малҳам бўлган, ўзининг инсоний фазилатларини ўргатган эдилар. Ўзим ҳам қайнона бўлиш бўсағасидаман. Мен келинимга ва куёвларимга олим сингари қайнона бўлишни орзу қиламан. Ойим

лар. Қайнонам тўнғич овсиним билан баъзан тортишиб қолса-да, уни яхши кўрар, дилида гўбори йўқлигини биларди. Бугун овсинларим ҳам бирма-бир қайнона бўлишяпти, улар оймни энди тушунаётган бўлсалар ажаб эмас. Ўз фарзандини эплаш машаққат бўлиб турганида бировнинг боласини тўғри йўлга солиш осон эмас, албатта. Тожиниса оймнинг яна бир хислати – бировнинг хақиға сира хиёнат қилмаслики эди. Ўша вақтларда гарчи Тошкентда яшасам-да, бола-

ўғлининг вафотидан кейин уч йил ўтгач, юртимга кўчиб кетганимда, ойм қаттиқ қайғурган. Иш-ташвишга кўмилганимда, боғдаги мевалардан олиб, бизни йўқлаб келарди, бугун уларнинг ўрни чандон билинади... Эримнинг вафотидан кейин беш йил ўтгач, бошқа оила кўрдим, қизчали бўлдим, ана шу қизалоқ бугун ўн ёшга тўлди. У ўз отасидан кўрмаган меҳрини Тожиниса бувиси билан боғидан кўрди. Ақаси ва опаси билан тез-тез Чангиға бориб турадиган қизалоғим ҳам бу меҳрибон инсон-

эгатга эгилганида уларга ҳаёт бағишларди. Бугун болларда оймнинг шиддати йўқ. Кексалар боғнинг фаритшасигина эмас, баракоти ҳам экан. Отамга тиргак бўлиб, фарзандларини ҳалол ризқ билан боққан, боғидан чиққан ҳосил эвазига уларни уйли-жойли қилган ойм қишин-ёзин тиним билмасди. Бир кунга бирор ёққа кетса, ўрни дарров билинар, йўлига илҳақ бўлиб қоларди. Бугун унинг йўқлиги қоракримиздаги бўшлиқнинг тўлмаётганида билинапти. Фарзандларимга ота юртингиз-

ни зийрат қилиб келинг, десам ўғлимни қолишади. Меҳр сотилмас экан. Буларни қоралар эканман, қайнонам раҳматлининг менга чин она бўлганини тушундим. Ҳаётда, ҳатто, ўз онамдан ўргана олмаганларимни шу азияу муқаррам инсондан ўргандим. Шу сабабли, сиз ҳаммаша мен ва ўғил-қизларим хотирасида абадий яшайсиз, дея тақоррайман.

Advertisement for a cosmetic product. Features an image of a woman and a dog. Text includes: Товламачиликнинг антиқа тури. «Тошкент ҳақиқати» газетасининг навбатдаги сони 28 март чоршанба кунни чиқади.

Footer information including contact details for 'TOHKENT HAQIQATI' and 'TASHKENTSKAYA PRAVDA'. Includes phone numbers, addresses, and publication details.